



journal homepage:

<https://topjournals.uz/index.php/jgnr>

NATURAL AND MECHANICAL MOVEMENT OF THE POPULATION OF THE NAVOI REGION

Zulkhumor N. Tojieva

Professor

National University of Uzbekistan

Tashkent, Uzbekistan

E-mail: z_tadjeva@mail.ru

Olimjon I. Sherkhov

Researcher

Samarkand State University

Samarkand, Uzbekistan

E-mail: o-sherkhov@mail.ru

ABOUT ARTICLE

Key words: population, birth rate, mortality, migration, socio-economic situation, natural population growth.

Received: 12.12.22

Accepted: 14.12.22

Published: 16.12.22

Abstract: The article considers how the natural and mechanical movements of the population of the Navoi region change in different years in the region. The natural, socio-economic, demographic and biological factors influencing the natural and mechanical movement of the population have been studied. During the study period, it was found that the natural population growth is lower than in other regions of the republic, and in recent years, natural growth has accelerated, and the number of arrivals from increases from year to year. The natural movement of the population has been studied since 1995, and the mechanical movement since 2000. Statistical data on the topic were presented in tabular form and analyzed every five years. The results of the analysis were compared with other regions of the republic.

НАВОЙ ВИЛОЯТИ АҲОЛИСИНИНГ ТАБИЙ ВА МЕХАНИК ҲАРАКАТИ

Зулхумор Н. Тоҷиева

Профессор

Ўзбекистон Миллий университети

Тошкент, Ўзбекистон

E-mail: z_tadjeva@mail.ru

Олимжон И. Шерхолов*Тадқиқотчи**Самарқанд давлат университети**Самарқанд, Ўзбекистон**E-mail: o-sherxolov@mail.ru***МАҚОЛА ҲАҚИДА**

Калит сўзлар: аҳоли, тугилиш, ўлим, миграция, аҳоли табиий ўсиш коэффиценти, миграцион ўсиш

Аннотация: Ушбу мақолада Навоий вилояти аҳолисининг табиий ва механик ҳаракати вилоятнинг ҳудудлари бўйича йиллар давомида ўзгариб бориши ёритилган. Аҳолининг табиий ва механик ҳаракатига таъсир қилувчи табиий, ижтимоий-иқтисодий, демографик ва биологик омиллар ўрганилган. Ўрганилган даврда аҳолининг табиий ўсиш коэффициенти республиканинг бошқа ҳудудларидан паст эканлиги ва кейинги йилларда табиий ўсиши тезлашганлиги, механик ҳаракатида ҳам йил сайин кетувчилардан келувчиларнинг ортиб бораётганлиги аниқланган. Аҳолининг табиий ҳаракати 1995 йилдан, механик ҳаракати эса 2000 йилдан кейинги даврлар бўйича ўрганилган. Мавзуга оид статистик маълумотлар жадвал кўринишига келтирилиб, ҳар беш йиллик оралиқда таҳлил қилинган. Таҳлил натижалари Республикасининг бошқа ҳудудлари билан тақъосланган.

ЕСТЕСТВЕННОЕ И МЕХАНИЧЕСКОЕ ДВИЖЕНИЕ НАСЕЛЕНИЯ НАВОЙСКОЙ ОБЛАСТИ**Зульхумор Н. Тожиева***Профессор**Национальный университет Узбекистана**Ташкент, Узбекистан**E-mail: z_tadjieva@mail.ru***Олимжон И. Шерхолов***Исследователь**Самаркандинский государственный университет**Самаркан, Узбекистан**E-mail: o-sherkholov@mail.ru***О СТАТЬЕ**

Ключевые слова: население, рождаемость, смертность, миграция, социально-экономическая ситуация, естественный прирост населения.

Аннотация: В статье рассматривается, как естественные и механические движения населения Навоийской области меняются в разные годы по региону. Изучены природные, социально-экономические,

демографические и биологические факторы, влияющие на естественное и механическое движение населения. За исследуемый период установлено, что естественный прирост населения ниже, чем в других регионах республики, а в последние годы естественный прирост ускорился, а число прибытий от увеличивается из года в год. Естественное движение населения изучается с 1995 г., а механическое с 2000 г. Статистические данные по теме были представлены в табличной форме и анализировались каждые пять лет. Результаты анализа сравнился с другими регионами республики.

КИРИШ

Аҳоли сони йилдан-йилга кўпайиб боришида ҳар бир ҳудуд учун унинг табиий ва механик ҳаракати мухим ҳисобланади. Ушбу ҳаракатлар қайсиdir давлатлар учун баъзан аҳоли сонини ҳаддан ташқари ўсиб кетишига олиб келса, аксинча, айрим мамлакатларда эса камайишига сабаб бўлиб қолади.

“Ҳар бир ҳудуднинг ижтимоий-иктисодий ривожланишини географик жиҳатдан ўрганишда, аҳолининг табиий ва механик ҳаракатини тадқиқ қилиш мухим ҳисобланади. Бу ҳаракатлар келажак истиқболларини белгилаб беришга бевосита таъсир кўрсатади”[4, b.26].

“Аҳолининг табиий ва механик ҳаракатига бир неча омиллар таъсир кўрсатади. Булар асосан мамлакатдаги ижтимоий-иктисодий вазият, аҳолининг турмуш тарзи, никоҳга кириш ёши, никоҳда бўлганлар салмоғи, аёлларнинг иш ва ўқиши билан бандлиги, тиббий хизматнинг ҳолати, урф-одатлар, ичкилик ва гиёхвандлик, бахтсиз ҳодисалар, турли хил касалликлар ва бошқалар”[4, b.27]. Айнан мана шундай омиллар таъсирида ўзгариб турадиган аҳолининг табиий ва механик ҳаракати республиканинг энг кам сонли аҳолиси яшайдиган Навоий вилояти доирасида тадқиқ этилиши долзарб масалалардандир. Тадқиқ этилаётган вилоят аҳолисининг табиий ва механик ҳаракати ҳар беш йиллик вақт оралиғида ўрганилади. Аҳолининг табиий ҳаракати 1995 йилдан, механик ҳаракати эса 2000 йилдан кейинги даврлар бўйича таҳлил қилинади. Механик ҳаракатнинг ўрганилиши 1995 йилдан бошланмаганлигига сабаб, 1998 йилгача миграцион кўрсаткичларнинг статистик маълумотлари вилоятнинг шаҳар ва туманлари бўйича мавжуд эмаслигидир.

АСОСИЙ ҚИСМ

Ишнинг мақсади Навоий вилоятининг аҳолиси табиий ва механик ҳаракатини таҳлил қилиш асосида унинг шаҳар ва туманларида геодемографик вазиятини очиб

беришдан иборатдир. Тадқиқотнинг вазифалари вилоят аҳолиси табиий ҳаракати ва механик ҳаракатидаги асосий қонуниятларни очиб бериш ва илмий баҳолашдир.

Аҳолининг туғилиши, ўлими ва табиий ўсиши бир бутун худудлар аҳолиси геодемографик вазиятини, ривожланишини белгилаб берувчи демографик жараёнлардандир. Бинобарин, аҳолининг туғилиши, ўлими ва табиий ўсиш даражаларига кўп омиллар таъсир этади. В.А.Копыловнинг ёзишича, “бу омиллар қуидагиларга бўлинади: Ижтимоий – иқтисодий омиллар, табиий – биологик омиллар ва демографик омиллар”[3, б. 32].

Тадқиқот обьекти бўлмиш Навоий вилоятида бугунги кунда 1013,6 минг киши истиқомат қиласди (2021 й).

Вилоят аҳолиси асосан мутлоқ табиий ҳаракат ҳисобига кўпайиб бормоқда. Аҳолининг механик кўпайиши эмас, аксинча камайиш бўлганлиги боис унинг аҳоли умумий сонидаги улуши деярли йўқ.

1-жадвал

**Навоий вилояти аҳолиси табиий кўпайиш умумий коэффициентидаги ўзгаришлар
(% ҳисобида)**

№	Худудлар	Йиллар						1995 йилга нисбатан 2020 йилдаги фарқ +/- (%)
		1995	2000	2005	2010	2015	2020	
	Навоий вилояти	20,6	14,1	14,7	16,7	17,5	18,7	-1,9
	шу жумладан:							
1	Навоий шаҳри	10,6	8,8	9,2	14,1	15,9	17,0	6,4
2	Зарафшон шаҳри	15,3	10,9	13,8	16,3	17,8	19,1	3,8
	туманлар:							
1	Конимех	17,0	11,7	14,2	19,0	19,2	16,5	-0,5
2	Қизилтепа	25,2	9,4	15,8	17,4	16,2	16,4	-8,8
3	Навбаҳор	26,3	17,9	15,9	17,8	16,9	17,5	-8,8
4	Нурота	29,5	16,1	17,9	16,7	17,6	20,2	-9,3
5	Томди	12,7	9,6	9,1	10,7	11,0	12,1	-0,6
6	Учқудук	16,4	8,6	13,6	19,3	23,0	20,7	4,3
7	Хатирчи	29,2	20,3	17,0	17,0	18,5	21,6	-7,6
8	Кармана	15,3	22,8	15,8	17,6	18,7	19,8	4,5

Жадвал Навоий вилояти статистика бошқармаси маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилган

Ўрганилаётган даврда вилоят бўйича аҳоли табиий ўсишининг нисбий кўрсатчилари таҳлил қилинганда, 1995 йилга нисбатан 2000 йилда бошқа йилларга

қараганда аҳолининг табиий ўсиши вилоятнинг фақат Кармана туманидан бошқа худудларида катта фарқ билан камайган. Бу даврда вилоят аҳолиси табиий ўсиши -6,5 % га пасайган. Ундан кейинги йилларда яна ўсишда давом этган. 1995 йилдан 2020 йилгача бўлган даврда вилоятнинг Навоий ва Зарафшон шаҳарларида аҳоли табиий ўсиши муттасил ўсиб келаётган бўлса, вилоятнинг туманларида аҳоли ўсиши йиллар давомида ўзгариб турган. Бу даврда аҳоли камайишига асосан миграция таъсир кўрсатган. Худудлар кесимида аҳоли табиий ўсиши таҳлил қилинганда 1995 йилда энг юқори табиий ўсиш коэффициенти Нурота туманида 29,5%, Хатирчи туманида 29,2% ни, энг паст табиий ўсиш коэффициенти Навоий шаҳрида 10,6%, Томди туманида эса 12,7% ни ташкил этган. 2020 йилга келиб, энг юқори табиий ўсиш коэффициенти Хатирчи туманида 21,6%, Учкудуқ туманида 20,7% ни, энг паст табиий ўсиш коэффициенти Томди туманида 12,1%, Қизилтепа туманида 16,4% ни ташкил этган. “Навоий вилояти аҳоли сонининг ўсишига ҳам фақат туғилиш ва табиий ўсиш таъсир этмасдан, балки аҳолининг механик ҳаракати ҳам таъсир кўрсатган”[6, б.191].

“Аҳоли миграцияси (лотинча *migratio* “кўчиш”) - яшаш жойини доимий ёки вақтинча ўзгартириш мақсадида кўчишdir. Аҳоли миграциясига иқтисодий, оиласвий, этник, диний, сиёсий, экологик (табиий) каби омиллар сабаб бўлади. Бундан ташқари, аҳоли миграциялари ихтиёрий ва мажбурий, ташкиллаштирилган ва ташкиллаштирилмаган каби турларга, муддатига кўра эса миграциялар доимий ва вақтинча турларга бўлинади”[2, б.41].

Навоий вилояти ташкил топишида ҳудуд табиий ресурсларининг ўрни юқоридир. Шу боисдан, бу ресурсларни ўзлаштириш ва янгидан аҳоли манзилгоҳларини ташкил топишида аҳолини нафақат республиканинг бошқа худудларидан балки, МДҲ давлатларидан ҳам кўчириб келтирилганлигини ҳисобга оладиган бўлсак, вилоят аҳолиси кўпайишида айрим йилларда миграциянинг аҳамияти қанчалик катта бўлганлигини англаш қийин эмас. Аммо охирги 30 йилда бу жараён тескари йўналиш касб этганлигини кўриш мумкин. Натижада, вилоятда сўнгги йилларда кўчиб келганлардан, кўчиб кетганлар сони кўп бўлганлиги кузатилади. Бунинг асосий сабаби мустақилликдан кейин бошқа миллатга мансуб аҳолининг ўз она юртларига кўчиб кетганлиги ва маҳаллий аҳолининг эса ўз жойини ўзгартирсанлиги билан боғлиқдир.

Вилоятда 2000-2020 йиллар мобайнида миграциянинг нисбий кўрсаткичидаги энг катта фарқ 2005 йилга тўғри келиб, -11,6 % ни ташкил этган. Ундан кейинги йилларда ҳам вилоятда манфий миграция сальдоси кузатилган ва йиллар давомида ўзгариб турган. 2005 йилда 2000 йилга нисбатан вилоятнинг шаҳар ва туманларида фақат Кармана туманини ҳисобга олмаганда миграция манфий бўлган. Кармана туманида эса мусбат миграция

бўлиб, 0,4% ни ташкил этган. 2000 йилда фақат Зарафшон шаҳрида мусбат миграцион ўсиш коэффициенти энг юқори 7,1% бўлган. Энг катта манфий миграция сальдоси Томди туманида -20,8% ни, Конимех туманида эса -11,0% ни ташқил қилган. Ўша йилдан кейин Навоий шаҳрида миграциянинг манфий бўлишига сабаб, шаҳар аҳолисининг бир қисми шаҳарга энг яқин туман Карманага кўчиб ўтганлигидадир.

2-жадвал

Навоий вилояти аҳолисининг миграция интенсивлиги (% ҳисобида)

Йиллар	2000			2005			2010			2015			2020		
Худудлар	Келганлар	Кетганлар	Миграцион ўсиш												
Навоий вилояти	14,3	18,4	-4,1	14,8	26,4	-11,6	13,3	15,9	-2,6	12,8	14,4	-1,6	8,2	10,5	-2,3
шу жумладан:															
Навоий шаҳри	28,0	34,3	-6,4	25,3	33,4	-8,2	20,8	22,2	-1,5	9,8	25,8	-16,0	20,5	18,9	1,6
Зарафшон шаҳри	37,0	29,9	7,1	50,5	71,8	-21,4	32,4	32,2	0,3	37,9	27,4	10,5	11,1	15,0	-4,0
туманлар:															
Конимех	8,3	19,3	-11,0	9,9	53,0	-43,1	9,4	30,2	-20,8	11,1	29,3	-18,2	10,8	9,9	0,8
Қизилтепа	4,8	7,8	-3,0	5,1	10,3	-5,2	6,9	8,7	-1,9	6,6	5,9	0,6	2,8	4,6	-1,8
Навбаҳор	7,9	8,0	-0,1	10,5	11,8	-1,2	11,8	10,2	1,6	8,0	7,6	0,5	5,1	6,4	-1,3
Нурота	4,9	12,5	-7,6	4,4	11,7	-7,3	2,7	8,7	-6,1	5,2	7,7	-2,6	3,7	7,9	-4,2
Томди	9,5	30,2	-20,8	6,6	67,7	-61,1	5,5	31,8	-26,3	16,9	34,6	-17,7	26,9	8,2	18,7
Учкудуқ	20,7	32,7	-12,0	27,7	72,3	-44,6	32,7	38,3	-5,6	34,2	37,1	-2,9	8,4	17,6	-9,2
Хатирчи	7,4	10,0	-2,6	5,8	11,3	-5,5	9,8	11,0	-1,2	6,9	9,8	-2,9	2,8	10,1	-7,3
Кармана	11,6	11,8	-0,1	13,5	13,1	0,4	9,0	8,0	1,0	19,8	8,0	11,8	10,4	9,7	0,8

Жадвал Навоий вилояти статистика бошқармаси маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилган

Ўрганилаётган худуд бўйича 2005 йилга қараганда 2010 йилда келган ва кетгандар ўртасидаги фарқнинг мўътадиллашганлигини кўриш мумкин. Бунга сабаб “Навоий шаҳар аэропорти асосида мамлакатимизда илк бор республикамиз биринчи Президенти И.А.Каримовнинг 2 декабрь 2008 йил фармонига биноан эркин иқтисодий-индустриал зона яратилди. Бунда Жанубий Корея ва бошқа давлатлар билан ҳамкорлик қилинмоқда. Бу эса, ўз навбатида, янги муқим иш ўринларини шакллантиришга ҳам асос бўлиб хизмат қиласи”[1, 6.245].

2020 йилга келиб эса аҳоли миграциясининг нисбий кўрсатгичи вилоятнинг Навоий шаҳри, Томди, Конимех ва Кармана туманларида мусбат бўлиб, қолган барча шаҳар ва туманларда манфийдир. Шу йили туманлар орасида энг катта манфий миграция кўрсатгичи Учқудук, Хатирчи ва Нурота туманларида кузатилган.

ХУЛОСА

Таҳлил натижаларига кўра, Навоий вилояти аҳолисининг табиий ўсиш коэффициенти республикамизнинг бошқа худудларига нисбатан пастроқdir. Масалан, вилоят табиий ўсиш кўрсатгичи бўйича 2000 ва 2005 йилларда фақат республикамиз худудлари ичida Тошкент вилояти ва Тошкент шаҳридан олдинги ўринни эгаллаган. 2010 ва 2015 йилларда эса юқоридаги худудларга Бухоро вилояти ҳам қўшилиши ҳисобига Навоий вилояти охиридан тўртинчи ўринга чиқкан. 2020 йилда эса вилоятнинг табиий ўсиши янада юқориляб, республика худудлари ичida охиридан олтинчи ўринга кўтарилиган. Ўрганилган даврдаги таҳлилга кўра республикамиз худудларидан Тошкент шаҳри, Тошкент, Фарғона, Андижон ва Навоий вилоятларида аҳолининг табиий ўсиши йиллар давомида муттасил ўсиб борган. Қолган барча худудларда эса ўзгариб турган.

Республика бўйича 2000-2020 йиллар оралиғидаги механик ҳаракат таҳлил қилинганда ҳам барча худудларда миграция сальдоси манфийдир. Фақат Тошкент шаҳрида 2020 йилда миграциянинг нисбий кўрсатгичи мусбат бўлиб, 27,2 % ни ташкил этган. Бунинг асосий сабаби Тошкент шаҳрида аҳолининг доимий яшashi учун рўйхатга киришига давлат томонидан руҳсат берилганигидир. Бу эса асосан республикамизнинг худудларидан келувчилар сони ҳисобига ортган. Навоий вилояти миграцион ўсиш коэффициентининг манфий кўрсатгичи бўйича 2000 йилда Тошкент шаҳри ва Сирдарё вилоятидан кейин учинчи ўринни, 2005 йилда эса Қорақалпоғистон Республикасидан кейин иккинчи ўринни, 2010 йилда Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент, Сирдарё ва Жizzах вилоятларидан сўнг бешинчи ўринни, 2015 йилда Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент вилояти, Тошкент шаҳридан кейин тўртинчи ўринни, 2020 йилда эса тўққизинчи ўринни эгаллаган. Бундан хулоса қилиш мумкинки, кейинги йилларда вилоятда республиканинг бошқа худудларига нисбатан миграция сальдоси манфийдан мусбатга томон ўзгариб

бораётганлигини кўриш мумкин. Бунга сабаб вилоятда кўплаб ишлаб чиқариш, хизмат кўрсатиш, хусусий тадбиркорлик ва кичик бизнес корхоналарининг қурилиши, фойдали қазилма конларининг ишга туширилиши ва бошқа омиллар таъсири кўрсатганлиги.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Солиев А.С. Ўзбекистоннинг иқтисодий ва ижтимоий географияси. -Т., 2014. – 360 б.
2. Bo‘riyeva M.R., Tojiyeva Z.N., Zokirov S.S. Aholi geografiyasi va demografiya asoslari. – Т.: Tafakkur, 2011. – 156 b.
3. Kadirov M.A. Aholi geografiyasi demografiya asoslari bilan. Т.: 2019. 320 b.
4. Kadirov M.A. Samarqand viloyati aholi geografiyasi. – Samarqand, 2017. – 142 b.
5. Tojiyeva Z.N. Aholi geografiyasi. Т.:Noshir, 2019. 183 b.
6. Тожиева З.Н. Ўзбекистон Республикасида демографик жараёнлар ва уларнинг худудий хусусиятлари. – г.ф.д. дисс – Т.: ЎзМУ, 2017. – 82 б.
7. Тожиева З.Н. Ўзбекистонда демографик модернизациялаш // Ўзбекистон география жамияти ахбороти. 42-жилд. Илмий мақолалар тўплами. – Тошкент, 2013. – Б.105-107.
8. Тожиева З.Н., Ибрагимов Л. Ўзбекистонда аҳоли бандлиги ва унинг демографик асослари // СамДУ Илмий ахбаротномаси. – Самарқанд, 2013. №3. – Б.93-96.
9. Sherxolov O.I. Navoiy viloyati aholi soni dinamikasi va joylashuvi // O’zbekiston geografiya jamiyati X-sezdi materiallari. Toshkaent, 2019. – В. 191-194.
10. www.navstat.uz Navoiy viloyati statistika boshqarmasi ma‘lumotlari
11. www.stat.uz-O’zbekiston Respublikasi Davlat statistika qo‘mitasi ma‘lumotlari